

Катта қизиқиш билан

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг “Асосий вазифамиз — Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” асарининг такдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда Бухоро давлат университети-нинг “Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда сўзга чиққан марказ бўлим мудирини З.Салимова зиё масканининг бой китоб фонди, унинг шаклланиш тарихи хусусида сўзлади. Талаба-ёшлар турли мавзулардаги китоблар, қўлланма ва рисоаларни доимий муталаа қилиш билан бирга, Президентимиз асарлари ва нутқлари мазмун-моҳиятини ҳам тўлиқ тушуниб етишга ҳаракат қилаётганликларини таъкидлади. Зотан, Юртбошимиз китобларида мустақил давлатимизнинг таракқиёт йўли, истиқболдаги вазифалар ўз ифодасини топган.

Тадбирда сўз олган Бухоро давлат университети ўқувчиси Иззатулла Шоев ушбу янги китобдан Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” мавзуидаги, шунингдек, 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари ўрин олганлиги ҳақида гапирди.

Тадбирда унинг асосий иштирокчилари бўлган БДУнинг гидромелиорация ва филология факултетлари талабалари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга аниқ жавоблар олишди. Кутубхона марказининг ҳуқуқ ахбороти сектори етакчи кутубхоначиси Д.Тошева “Президентимиз асарларини ўрганамиз” деб номланган кўргазмадан жой олган барча китоблар хусусида атрофлича маълумот берди.

*Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири*